O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 20-noyabr • Shanba • 135 (31.255) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАТАР ДАВЛАТИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

■ 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 3 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатасининг бўлажак ялпи мажлисида асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми 3-бетда.)

ЎзХДП: устувор вазифалар

■ Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Концепцияни нафақат қўллаб-қувватлаш

балки унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш зарур

— Президентимизнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ташаббусларини партиямиз нафақат қўллаб-қувватлаши, балки демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирок этиши зарур, — деди партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов. — Айниқса, парламентдаги фракциямизнинг бу жараёндаги иштироки ўта муҳим. Олиб бораётган ишларимиз фақатгина муҳокама ва баҳс-мунозарага йўналтирилмаслиги лозим. Аксинча, депутатлик бирлашмаларининг фаоллигини ошириш, партия Сайловолди дастуридаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилиши керак. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялари муҳокамасига киритишлари ҳамда ҳудудий ривожланишнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда амалий таклифлар билдиришлари лозим.

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган Концепцияни амалга ошириш тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни назарда тутади. Шу муносабат билан йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси доирасида тегишли ишчи ва экспертлар гуруҳларини ташкил этиш белгиланди. Уларнинг вазифаси Концепцияни амалга оширишни мониторинг қилиш билан бирга, ЎзХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги бўйича мақсадли йўналтирилган комплекс дастур ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шунингдек, Концепцияни амалга оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Тадбир тафсилоти билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.)

Компаниямиз сувдан фойдаланиш консалтинги билан шуғулланади. Сувни бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Айтиш жоизки, Орол ҳавзасидаги давлатларнинг экологик муаммоларни ҳал қилиш, табиий сув ресурсларидан, жумладан, Амударё ва Сирдарё сув оқимларидан фойдаланиш борасидаги ҳаракатлари ўзаро келишилган ва барча учун манфаатли бўлиши лозим. Минтақада сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масалаларини халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида қатъий тартибга солиш зарур. Сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг нуқтаи назари ва миллий манфаатлари инобатга олиниши лозим».

Карлос ФЕРНАНДЕС-ЖАУРЕГУ,
«WASA-GN» Сувни баҳолаш ва маслаҳат бўйича глобал тармоқ директори (Испания)

Инсоннинг соғ-саломат, узоқ умр кечириши учун мусаффо ҳаво, тоза сув ва тупроқ, табиий ва фойдали микроэлементларга бой истеъмол маҳсулотларининг ўрни беқиёс. Аммо Орол денгизининг қуриган тубидан кўтарилаётган чанг-тўзон ва тузлар узоқ-узоқ ҳудудларгача етиб бораётгани, Тожикистон алюмин заводидан чиқаётган заҳарли моддалар Ўзбекистон жанубидаги мувозанатни бузаётгани соғлом турмушга жиддий зарар етказмоқда. Орол муаммоси қариб бутун дунёни кўп йиллардан буён ташвишга солиб келмоқда. Тошкент халқаро конференцияси минтақа келажаги учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу ерда юзага келган вазиятни бартараф этиш, биринчи навбатда, сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қилишга боғлиқ. Ўзбекистон томонидан экологик муаммоларни ҳал этиш борасида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар вазиятни яхшилашга хизмат қилаётир. Бироқ мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлида минтақадаги барча давлатлар, қолаверса, бутун дунё мамлакатлари ҳамкорликда ҳаракат қилмоғи лозим».

Жан-Жак БРИЕН,
Саломатлик, ноғиронлик ва озиқ-овқат мэри ўринбосари (Франция)

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларда таълим жараёнининг ҳамда одамлар савияси ўсишининг роли ва аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаб айтганидек, «Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди».

Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилишини ҳамда ундан самарали фойдаланилишини таъминлаш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш, ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва болалар спорти соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш, қобилиятли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг энг муҳим вазифаларидан қилиб белгиланган.

Ушбу Давлат дастурини бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий давлат органлари томонидан тармоқ ва ҳудудий дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар давлат томонидан марказлаштирилган тартибда молиялаштирилмоқда. Бунда таълим муассасаларида бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва молия интизоми талабларига риоя этилишига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг 2010 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган мажлисида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

➔3

Муносабат

Сиёсий партиялар учун улкан масъулият

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

■ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши давлат бошқарувини янада демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

➔2

ЎзХДП Шовот, Қўшкўпир ва Урганч туман кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини қачон жонлантиради ?

➔2

ОБ-ҲАВО 20-21.11. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	13°C	15°C
Самарқанд	12°C	17°C
Нукус	8°C	13°C
Қарши	15°C	20°C
Урганч	8°C	13°C
Навоий	15°C	20°C
Фарғона	12°C	17°C
Бухоро	15°C	20°C
Андижон	12°C	17°C
Наманган	12°C	17°C
Термиз	15°C	20°C
Жиззах	12°C	17°C
Гулистон	12°C	17°C
Тошкент вил.	12°C	17°C
Лондон	10°C	10°C
Париж	8°C	7°C
Москва	6°C	4°C
Мадрид	8°C	7°C
Пекин	10°C	10°C
Гонконг	13°C	15°C
Рим	10°C	10°C
Анқара	9°C	11°C
Токио	11°C	10°C
Стокгольм	7°C	5°C
Кейптаун	14°C	14°C
Қоҳира	12°C	11°C
Гавана	20°C	20°C
Вашингтон	10°C	9°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPOTI
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Муносабат

Сиёсий партиялар учун улкан масъулият

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан қилинган маърузада айтилган юқоридаги фикрлар жамият, жумладан, сиёсий партиялар ҳаётида ўта муҳим янгилик бўлиб, бу айни пайтда улкан шараф ҳамда масъулиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган мазкур ўзгартишлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, сиёсий партияларнинг жамиятда таъсир кучи, обрў эътибори ошишига хизмат қилади. Шуниси ҳам борки, Конституцияга киритилаётган мазкур ўзгартишларга биноан, Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи ҳам берилмоқда. Яна бир муҳим сиёсий воқеа шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда. Хўш, бунинг туб мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Аввало, бу жамиятимиз ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар, яъни ривожланган демократик жамият қуриш борасида эришилган ютуқлар, халқимиз онгу тафаккурида бўлган сезилари янгиланишлар ва демократик ривожланган жамият негизида туғилган ҳаётий зарурат — фуқаролик жамияти сари яқинлашиш билан характерланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу тарихий ўзгаришлар мавжуд сиёсий партияларнинг мамлакатимизда бўлаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарасидир. Айниқса, бу галги сайловларда ҳокимиятлар аралашувисиз, барча ваколатлар сиёсий партияларга берилганлиги, яъни партияларни ҳал қилувчи сиёсий куч сифатида майдонга чиққанлиги, бу борада тўғри йўл тутилганлигининг тасдиғидир. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, жумладан, маҳаллий Кенгашлардаги роли ва таъсири сезиларли ошганлиги ҳам бу ваколатларга эришилиши йўлида муҳим қадамлар бўлгани шубҳасиздир.

Умуман олганда, Президент маърузасида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, Конституцияга киритилиши лозим топилаётган ўзгартишлар натижасида сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган Бош вазир номзодини Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланишининг жорий этилиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва шу каби бошқа қатор чора-тадбирлар билан мамлакатимиз ҳаётида тамомила янги давр — мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши билан характерли ва аҳамиятлидир.

Бундай тарихий ўзгаришлар — туб бурилишлар фақат меъёрий ҳужжатларда, назарий асосларда эмас, балки амалиётда содир бўлиши шарт, акс ҳолда кўзлаган мақсадларга эришиш осон кечмайди.

Сиёсий партияларга берилган тарихий имкониятдан тўлақонли фойдаланиш партиянинг ҳар бир аъзосидан катта масъулият талаб этади.

Нафақат марказда, балки жойларда ҳам ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш, мамлакат миқёсида бўлаётган ўзгаришларда фаол иштирок этиш масалаларига жиддий киришиш тақозо этилади. Бу ўринда муайян ишлар ташкил этилаётганини сайлов округимиз бўлмиш Тўрақўрғон ва Мингбулоқ туманлари мисолида кўриш лозим. Масалан, Тўрақўрғон туманида вилоят Кенгашига мавжуд 5 та округдан 3 таси, туман Кенгашига мавжуд 30 округдан 26 тасидан депутатлик ўринларини ЎзХДП аъзолари қўлга киритган. Биз улар билан мунтазам алоқадамиз. Бироқ бу етарли эмас. Миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтишимиз жоиз. Бунга эса халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш ишига партиявий таъсир чораларини оширишимиз лозим. Чунки муҳтарам Президентимиз томонидан маърузада таъкидланганидек, «ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқ».

Биз ўз фаолиятимизга ана шу саволдан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, зиммамиздаги вазифалар масъулияти нақадар улканлигини ҳис этамиз. Табиийки, ишимиз сифати, самараси, қамрови ҳам шунга мос ва муносиб бўлмоғи талаб этилади.

■ Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган ғоялар нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижий экспертлар томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Халқаро мутахассислар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини такомиллаштириш бўйича давлатимиз раҳбари таклиф қилган Концепцияни юқори баҳоламоқда.

«ДЕМОКРАТИЯ – БУ БАРҚАРОРЛИК, ВАЗИЯТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИДИР»

Дуэйн БУТЧЕР,
Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги дипломатик миссияси раҳбари.

— Ўзбекистон раҳбари демократик тамойилларнинг ижтимоий шароитдан келиб чиқувчи устувор йўналишларини белгилаб бериши, аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари суриши келажакка қайғуришнинг, жонкуярликнинг ифодасидир.

Унда, айниқса, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг демократик жараёнларни чуқурлаштиришдаги ўрнига алоҳида урғу берилгани нафақат биз америкалик сиёсатчилар, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Шу ўринда мен АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. АҚШ Ўзбекистоннинг демократик бошқарув, қонун устуворлиги ва фуқаролик жамияти ривожи йўлидаги барча ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватлайди.

Паоло БАРТОЛОЦЦИ,
Европарламентнинг Марказий Осиё ва Мўғулистон билан ҳамкорлик қилиш ҳайъатининг раҳбари.

— Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида ўзига хос тараққиёт йўли шаклланди. Хавфсизлик ва осойишталикни таъминловчи сиёсат, барқарор иқтисодий ўсиш мамлакатнинг тимсолига айланди. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича президент илгари сураётган Концепция янги сиёсий тараққиёт босқичи, унинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Минтақада иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланаётган ҳамкор сифатида Ўзбекистон доим бизнинг диққат марказимизда. Европа Иттифоқи билан расмий Тошкент ўртасида қатор сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик битимлари бор, шубҳасиз, улар ўз маҳсулини бермоқда. Ўзбекистоннинг демократик янгиланиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатини юқори баҳолаймиз.

Саймон ФРЕЙЗЕР,
Буюк Британия Ташқи ишлар вазири ўринбосари.

— Ўзбекистон йилдан-йилга беқиёс иқтисодий ва сиёсий салоҳият касб этмоқда. Глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг баланд мақомда сақланишига эришилгани таҳсинга сазовордир. Чунки дунёда саноқли давлатларгина бунга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Президентининг парламентдаги чиқиши мамлакатда демократик тамойиллар янада кучайишига хизмат қилади. Мен Президент маърузаси билан танишиб чиққач, ишлаб чиқилган Концепция мукаммал давлат бошқаруви ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим омил бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Салоҳ СУЛТОН,
Осиё Ислом қўмитаси котиби (Кувайт).

— Мен Президент Каримовнинг парламент қўшма мажлисидаги маърузаси билан атрофлича танишиб чиқдим. Мамлакат раҳбарининг сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга доир мулоҳазалари менда чуқур таассурот қолдирди. Сайловлар ҳар бир давлатнинг демократик кўзгуси, десак, хато бўлмайди. Шу маънода, Ўзбекистонда бу тизимни янада мукаммаллаштириш учун шахсан Президент жон куйдираётгани мақтовга лойиқдир.

Мен 2009 йили Тошкентда, парламент сайловларида, бир кузатувчи сифатида партиялар ўртасидаги соғлом рақобатга гувоҳ бўлганман. Номзодлар ўртасида ўзаро баҳс-мунозара ҳар қанча кескин бўлмасин, айрим мамлакатларда одат тусига кирган андишасизлик, ур-йиқит ва ҳақорат каби ножўя хатти-ҳаракат содир бўлган эмас. Менинг фикримча, Ўзбекистонда сайлов шундай муваффақият билан ўтганининг асосий омили — мамлакатдаги тинчлик ва осойишталик, ўзаро иттифоқликдир. Бу борада Ўзбекистон аҳлига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Дэвид КАРПЕНТЕР,
Олбани университети профессори (АҚШ).

— Ўзбекистон Президентининг қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳокимиятнинг уч бўғини ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир ташаббуси минтақадаги барча мамлакатларга ўрнак бўлади.

Тадрижий тараққиёт босқичма-босқич демократик бошқарув шаклига ўтишни талаб қилади. Ҳокимият тизимини тийиб туриш тамойили фуқаролик жамиятида адолат устуворлигини таъминлайди. Нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларига берилаётган ҳуқуқлар уларнинг имкониятини кенгайтиради, очиқ жамият иқлимини яратади.

Санжай Кумар ПАНДЕЙ,
Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет профессори (Ҳиндистон).

— Сир эмаски, ҳар қандай демократик жамият изчил ривожланиб, мукаммаллашиб боради. Бу — табиий жараён ва бу борада барча учун бирдек мос келадиган универсал тавсия ёки андоза мавжуд эмас. Жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик институтларини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон амалга ошираётган ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Президент Каримов «Демократия — бу барқарорлик, вазиятнинг барқарорлигидир», деб таъкидлади. Ўз тараққиёт йўли ва ривожланиш дастурига эга бўлган Ўзбекистоннинг барча соҳада қўлга киритаётган ютуқлари айнан барқарор, соғлом шаклланаётган демократик муҳит маҳсули эканига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жадал тараққий этаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон янги шоҳсупага кўтарилмоқда.

Хориж ОАВ асосида Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

аҳоли турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилади

Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган сурат.

ЎзХДП ҳаёти

■ Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маскани» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар, Юнусобод туман партия кенгаши фаоллари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вакиллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходимлари, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар маҳаллада ижтимоий масалаларни ҳал этишда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигидан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини таъминлашда маҳалла раисининг масъулияти ва вазифалари, мақсадли нафақалар таъминоти, нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли бандлиги ва ёшларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби масалалар бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гапиришди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни изчил амалга оширишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи шу мақсадга сарфланаётгани фикримиз тасдиғидир.

Кейинги йилларда маҳалла институтига бўлган эътибор кучайди. Унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Ижтимоий нафақалар тайинлаш бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам маҳаллалар фаоллари ижтимоий ҳимоянинг аниқ манзилини таъминлаш, соҳага ажратилган давлат бюджети маблағларини виждонан сарфлашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Аҳолининг айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бизнинг электоратимиз ҳисобланади. Демак, биз ҳам бу тақсимот адолатли бўлишидан манфаатдормиз. Ҳозир партиямиз фаоллари маҳаллаларда кўпроқ бўлиб, электорат вакилларининг турмуш тарзи, яшаш шароити ва муаммоларини чуқурроқ ўрганмоқда. Мақсад — маҳаллалар билан ҳамкорликда ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ўринли сарфланиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатишдан иборат.

Нозима СУЛАЙМОНОВА,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходими:

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди. Ёлғизланиб қолган кексалар доимо диққат марказимизда. Ҳозир республикамизда 28 мингдан зиёд ёлғиз кекса рўйхатга олинган. Уларни текин тиббий кўрикдан ўтказиш, озиқ-овқат билан таъминлаш йўлга қўйилган. Улардан 2114 нафарининг уйлари таъмирлаб берилди. Тизимимизда 8 та сиҳатгоҳда уруш қатнашчилари, фахрийлар, пенсионерлар ва ногиронлар дам олиб, соғлигини тиклашади. Шунингдек, 33 та саховат ва мурувват уйида 8000 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Ногиронлар, кам таъминланган оилаларга, пенсия ва болалар нафақалари ўз вақтида тўланиши назорати йўлга қўйилган. Аммо бу жараённи кучайтириш лозим.

Зиёвиддин АБРОРОВ,
Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳудудимизда 4500 нафар фуқаро истиқомат қилади. 1300 та хонадон бор. Уларнинг кўпчилиги 12 та кўпқаватли уйда яшайди. Маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим масканлари, тикув цехи фаолият юритади. Аҳолимиз кўпмиллатли бўлишига қарамай, аҳил-тотув. Тўй-маъракаларда ҳамиша елкама-елка туриб, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Улар орасида ЎзХДПнинг обрўси катта. Туман партия кенгаши билан бирга турли тадбирлар ўтказиб борамиз. Партия фаоллари фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечимида кўмак бериб келади. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб туришади. Бу яхши, албатта. Аммо биз депутатлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур. Сабаби, ижтимоий салоҳиятга эга дастурларни қабул қилишда уларнинг ваколатидан самарали фойдалансак, кўпгина муаммолар ечим топади.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғаффор Қирғизбоев, Зиёвуддин Мансуров, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Анвар Ғуломов, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими директори Дилфуза Ғофурова, Юнусобод туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр билдиришди. Тадбир сўнггида мутахассислар фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Хоразм вилоят партия Кенгаши диққатига!

Ишонч қозониш учун меҳнат қилиш керак

ёки бирида ибратли тажриба тўпланган, иккинчисида ўзибўларчилик ҳукм сураётган туман партия кенгашлари ҳақида

■ ЎзХДП маҳаллий кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари партия электорати муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, одамлар орасига чуқурроқ кириб боришда ўзига хос самарали восита вазифасини ўтамоқда.

Фуқароларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган эътибори, қизиқиши, ишончи тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йилларда Хоразм вилоятидаги туман, шаҳар кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларнинг 60 фоизи ижобий ҳал этилган.

Мурожаатлар асосан ижтимоий масалаларни ўз ичига олган.

Хонқа туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисовнинг саъй-ҳаракати билан Жамоатчилик қабулхонасида электорат билан ишлаш бўйича ибратли тажриба тўпланган. Қабул кунлари аниқ белгилаб қўйилган. Фуқароларни қабул қилишда маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳуқуқшунослар фаол иштирок этмоқда. Туман партия кенгашидан ташқари яна уч жойда қабулхоналар мунтазам ишлаб турибди. Фуқароларга енгиллик бўлиши учун туманнинг чекка қишлоқларида ташкил этилаётган кўчма қабулларнинг самараси янада юқори бўлаётгани қувонарли, албатта.

Ғурлан, Ҳазорасп ва Боғот туман партия кенгашилари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳам ибратли.

Аммо шундай туманлар борки, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти деярли сезилмайди. Аҳоли унинг нима учун, қандай мақсадда ташкил этилганини ҳам деярли билмайди. Мисол учун, ўтган тўққиз ой мобайнида Шовот туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бор-йўғи 10 та мурожаат тушган. Бу ҳол туман кенгаши партия электорати манфаатини ҳимоя қилишга эътиборсиз қараётганини кўрсатади. Қўшкўпир ва Урганч туман партия кенгашлари ва уларнинг масъул раҳбарлари ҳақида ҳам шу фикрни иккиланмай айтиш мумкин.

Мазкур туманлардаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳақида аниқроқ маълумот олишнинг имкони бўлмади. Амалда ҳеч қандай иш қилинмаган бўлса, нимани ҳам кўрсатишарди? Электорат билан ишлашнинг бу ноёб механизмидан самарали фойдалана олмаётган туман кенгашлари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Асосий вазифамиз электорат муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечими учун курашиш экан, жойлардаги муаммолардан бехабар ҳолда, қандай талаб ёки таклиф билан чиқамиз? Бу аҳволда одамлар ишончини оқлаш мумкинми?

Одамлар ҳурмат-эътиборини қозониш учун изчил изланиш, астойдил меҳнат қилиш талаб этилади. Йўқотилган ишончни қайта тиклаш учун эса ундан-да кўпроқ вақт керак. Шовот, Урганч, Қўшкўпир туманлари партия ташкилотлари раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор қаратмаса, сиёсий партиялар олдига қўйилаётган масъулиятли вазифалардан тегишли хулоса чиқариб олишмаса, нафақат ушбу туманлар, балки вилоят партия ташкилоти нуфузига ҳам катта путур етади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари томонидан мазкур қонун ижросини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилинган ва чоралар кўрилган.

Ушбу вазирлик тизимида ҳозирги вақтда 17 мингдан ортиқ ташкилот ва муассаса иш олиб бораётган бўлиб, шуларнинг 10 мингга яқини умумтаълим мактаблари, 6 мингтаси мактабгача таълим муассасаси, 500 дан ортиғи мактабдан ташқари таълим муассасаси, 300 таси болалар мусиқа ва санъат мактаби, 400 дан ортиғи болалар спорт мактаби, 28 таси меҳрибонлик уйи, 16 таси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва 5 таси олий ўқув юртидир.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, мазкур қонун нормалари талабларига риоя этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини бажариш натижасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молияланган таълим муассасаларининг харажатлари 2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан 67,6 фоизни ташкил этган, 2010 йилда эса бу кўрсаткични 2009 йилдагига нисбатан 80 фоизга кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларидан 2004-2009 йилларда 8501 та умумтаълим муассасасида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилган, шу жумладан, 351 та мактаб қурилган, 2470 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилинган, 5680 та умумтаълим муассасасида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бундан ташқари, 2009 йилда 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилинган ҳамда 2010 йил охиригача 46 та ана шундай ўқув муассасасида қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар вазирлик ихтиёридаги муассасаларда қонун талабларини бузиш ҳоллари мавжудлигига эътиборни қаратдилар. Чунончи, биргина 2010 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларида мингдан ортиқ молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари бундан кейин шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича қатор таклифларни билдирдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартибини белгилайдиган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз бажариш юзасидан қўшимча чоралар кўриши, бюджет буюртмаларини ва норматив стандартларни бериш муддатларига қатъий риоя этиши, шунингдек, бюджет маблағларидан қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланилиши учун таълим муассасалари раҳбарларининг масъулиятини ошириши зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Халқ таълими, Адлия, Молия вазирликлари, Бош прокуратураси, Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

(ЎзА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар иш ўринлари ташкил этиш дастурини тасдиқладилар

■ 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилган кун тартибини тасдиқлагандан кейин 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳаитов маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари З.Ботирова қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Маърузачилар таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган мазкур дастурнинг мақсади аҳоли бандлигини, унинг даромадлари ва турмуш даражаси ўсишини таъминлаш, республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабларни ошириш учун самарали фойдаланиш ҳамда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари амалда ҳал этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, мамлакатимиз вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликларининг масъулиятини кучайтиришдан иборатдир.

Дастур меҳнат бозорининг жорий ҳолати ҳамда унинг 2010 йил охиригача бўлган истиқболини баҳолаш ва таҳлил этиш натижаларига, шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чораларга, Инвестиция дастурига, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 2011 йилда республикамиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича назарда тутилган тадбирларга асослангандир. Ҳужжатда келгуси йилда 956,2 минг янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Савол-жавоблардан сўнг иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу ҳужжат давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида улкан ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Жумладан, бунда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс, аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш нафақат фуқароларни ишга жойлаштириш муаммосини, балки жойлардаги кўпгина бошқа долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш имкониятини ҳам беради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар томонидан қайд этилдики, мазкур дастурни амалда рўёбга чиқариш нафақат барча бўғинлардаги ҳокимият ижро этувчи ва вакиллик органларининг, балки бизнес тузилмаларининг ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилади. Бунинг учун имкон қадар кичик корхоналар ва микрофирмаларни кўпроқ ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини изчил кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси вакиллари бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган шароитларда, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш муҳимлигига эътибор қаратдилар. Айниқса, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган олий ўқув юртлари ва коллежлар битирувчилари бўлган ёшлар учун кўпроқ иш ўринлари ташкил этиш зарур. Мамлакатимизнинг ортиқча меҳнат ресурсларига эга, аҳолиси зич бир қатор минтақаларида иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, айниқса, долзарбдир.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари касаначиликни, энг аввало, бу соҳани корхоналар билан меҳнат шартномаси бўйича кооперация асосида ривожлантириш, ҳунармандчилик ва халқ ҳунармандчилигини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлашди. Анъанавий ҳунармандчилик марказлари ҳисобланган шаҳар ва туманларда уйда меҳнат қилувчилар учун иш ўринлари кўпайтирилишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бунда касаначиларнинг ўқувини ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш муҳимдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича ишларни кенгайтириш, одамларни сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкониятларига эътибор қаратдилар. Янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, табиатни ифлослантирмайдиган замонавий техника ва технологияларни жорий қилишни унутмаслик муҳим аҳамиятга эга. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини амалда ҳал этиш учун масъулият, энг аввало, корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасидадир.

Муҳокамалар чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати

Журналист суриштируви

Лоқайдлик оқибати

■ Ховослик Феруза Мусаева икки нафар фарзанднинг онаси эди. Айни пайтда учинчисига ҳомиладор бўлиб, унинг эсон-омон туғилишини кутиб яшаётганди. Афсуски, бир неча дақиқалар ичида орзуси саробга айланди, 26 ёшли она бевақт оламдан ўтди. Икки нафар фарзанди етим қолди. Нега бундай бўлди?

Маҳфират Мамарасулова — Ферузанинг онаси:

— Қизим шу йил 20 июль куни уйимизга меҳмон бўлиб келганди. Суҳбатлашиб ўтирганимизда соғлигидан шикоят қилиб қолди. Туман марказидаги шифохонага бориб, ҳомилангни текширтириб кўрайлик, дедим. Қизимни УЗИ аппаратида кўрикдан ўтказган врач беш ойлик ҳомиласининг она қорнида нобуд бўлганини айтди ва акушер-гинеколог Фароғат Нуруллаевани чақиртириб, аҳволни тушунтирди. Аммо мутахассис шифокор вазиятни кўра-била туриб, қизимни зудлик билан шифохонага ётқизиш ўрнига: «Инструментларим тайёр эмас», деган важ билан эртага келишимизни айтди ва бизни уйга қайтариб юборди. Қизим тунни меникида ўтказди ва тонг отгач, иккаламиз Фароғат Нуруллаеванинг олдига бордик. У киши туғруқхонада бизларга кўпол муомалада бўлди, қизимни жеркиб ташлади ва нобуд бўлган ҳомилани тушириш учун муолажа хонасига олиб кириб кетди. Ўз оёғи билан шифохонага борган ва муолажа хонасига ҳам ҳеч кимнинг кўмагисиз кирган қизимдан кўнглим тўқ эди. Афсуски, бир-бир ярим соатдан сўнг у ердан қизимнинг жонсиз жасадини олиб чиқишларини ва фарзандимдан бир умрга айрилиб қолишимни қайдан билибман...

Шу кунгача худди туш кўргандекман. Шифокорлар, хусусан, акушер-гинеколог Фароғат Нуруллаеванинг айби билан қизим нобуд бўлди, деган ўй менга тинчлик бермай келаяпти.

Фароғат Нуруллаева — Ховос туман марказий шифохонаси туғруқхона бўлими мудири, олий тоифали шифокор:

— Феруза Мусаева масаласида шифокор сифатида қўлимдан келган ишни қилдим. Ҳомиласи уч ойликдан озроқ ўтгач, ривожланмай қолган. Мутахассислар билан биргаликда ҳамма чораларни кўрдик. Шу ўринда бошқа бир гапни ҳам айтмасам бўлмайди. Феруза ўзига ва ҳомиласига нисбатан лоқайд бўлмаганида, вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб турганида масала бу қадар мураккаблашиб кетмаган бўларди. Ўша куни уни «инструментларимиз тайёр эмас», деб уйига қайтариб юборганим рост. Вақт кеч бўлиб қолган, керакли инструментларимиз чиндан ҳам тайёр эмасди. Лекин беморга нисбатан қўпол муомалада бўлганим йўқ. Очиғи, воқеанинг бундай якун топиши етти ухлаб тушимга кирган эмас. Бўлар иш бўлди. Ўлим олдида қўлимиз калта...

Ҳикоят Мусаева — Ферузанинг қайнонаси, 3 қиз, 1 ўғилнинг онаси:

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўргилай, қишлоқчилик-да. Раҳматли келинимга дўхтирга кўрин, деб бир-икки айтдим-а. Эрта-индин, ишларимни бир ёқлик қилиб олай, деб чўзиб юрди, бояқиш. Нимаям қилардик, пешонасида бор экан-да...

Гулнора Маъмурова — Феруза истиқомат қилаётган Ширин қишлоғидаги фельдшер-акушерлик пункти ходими:

— Ҳомиладорлиги юзасидан ҳисобимизда турарди. Келиб, кўриниб туринг, десам, иши кўплигини баҳона қиларди. Ўзи камқон, ошқозонидан ҳам шикоят қиларди. Ҳомиладорликдан сақланиш ҳақида кўп айтдим, қайнонасига ҳам тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин фойдаси бўлмади.

Дилдора Рашидова — Жиззах шаҳар акушерлик комплекси бош акушер-гинекологи, олий тоифали шифокор:

— Воқеанинг аслида қандай кечганидан хабарим йўқ, албатта. Шу боис, узил-кесил фикр айтишга ожизман. Аммо хатнинг мазмунига қараганда, бола она қорнида нобуд бўлган. Демак, ҳомиладор аёл ўз боласининг аҳволи, ривожланиши билан етарлича қизиқмаган, тез-тез тиббий кўрикдан ўтиб турмаган кўринади. Назаримда, бу ўринда ўша аёл истиқомат қилаётган ҳудуддаги участка шифокорини, жувоннинг турмуш ўртоғи, кўпни кўрган қайнонасини ҳам қисман айблаш мумкин.

Туман шифохонасидаги мутахассис ҳамкасбларимнинг иш тутумлари эса мени ҳайрон қолдирди. Ахир, бундай пайтда улар қорнида ҳомиласи нобуд бўлган аёлни дарҳол шифохонага ётқизишга, унга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, зарур деб топилган тақдирда уни жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун тайёрлашга бурчли ҳисобланишади.

Ижобат Алимова — Ховос туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи:

— Туманимизда 80 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шуни ярмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Туғиш ёшидаги аёлларимиз 19520 нафардан зиёдроқ. Кўриб турганингиздай, улар кўпчилик, биз эса саноқлимиз. Шунга қарамасдан, жойларда бўлиб, репродуктив саломатлик, бахтли оналик ва соғлом болалик, кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш сингари мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказиб келаяпмиз. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш асосий ишларимиздан бирига айланган. Кейинги йилларда туманда оналар ва болалар ўлими кескин камайди.

Энди, бевосита Феруза Мусаевага алоқадор масалага келсак, авваламбор, у биздан қўшни Боёвут туманига келин бўлиб тушган. Назаримда, у ўз яқинларининг бир қадар эътиборсизлиги, бефарқлиги, қолаверса, яшаётган жойидаги шифокорларнинг масъуляятсизлиги, ўқувсизлиги қурбонига айланди. Албатта, бу ўринда хотин-қизлар қўмиталари, қишлоқ ҳамда маҳаллалардаги диний, маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар ҳам қайсидир маънода айбли. Умуман, масалани чуқурроқ ўрганишга тўғри келади.

Фарҳод Қодиров — Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳуқуқшуноси:

— Одатда, амалдаги тартиб-қоидаларга кўра шифохонага мурожаат қилган фуқарога, у ким бўлишидан қатъи назар, дарҳол, зудлик билан малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт. Бунинг учун мамлакатимизнинг ҳамма жойларидаги шифохоналарда зарур имкониятлар бор. Бинобарин, юқоридаги воқеанинг мазмунмоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Ховос туман марказий шифохонасида масалага бирмунча лоқайд муносабатда бўлинган, деган хулосага келишга асос борга ўхшайди.

Шерали Жўраев — Ховос туман ички ишлар бўлими терговчиси, милиция капитани:

— Тўғри, шу ҳодиса юзасидан суруштирув ишлари олиб бордик. Аммо тиббий экспертизанинг 2010 йил 21 июлдаги 62-хулосасига асосан шифокорларни айбли деб топишга асос йўқлиги маълум бўлгач, жиноят иш қўзғатилмади...

Эътибор беринг, ҳар бир фикрда, важларда асос борга ўхшайди. Гапдан гап, фикрдан фикр туғилади, ўйлаган сайин калаванинг учи чигаллашиб боради. Аслида-ку, бу ўринда ҳакамлик қилиш, бир томонни юз фоиз ҳақ, иккинчи томонни ноҳақ, дейиш фикридан йироқмиз. Фақат бир инсоннинг шифохонадаги кутилмаган ўлими кишида қатор саволлар уйғотади, фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.

Тўғри, ҳомиладор аёл оналик масъулиятини чуқур ҳис этиб, ўз вақтида шифокорларга мурожаат қилиб, тегишли муолажани олиб турганида бу фожиа рўй бермасди. Демак, айрим жойларда, хусусан, чекка қишлоқларда тиббий маданият бўйича етарли даражада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаяпти, деган хулосага келишимизга асос бор. Шифокорларимиз орасида ёрдам сўраб келсанг, қарайлиз, бўлмаса ўзингдан кўр, қабилида иш тутаётганлар учраб тургани ҳам бор гап. Айни чоғда ҳомиладор аёлга аввало турмуш ўртоғи, қайнона қайнотаси меҳрибон бўлиши, унинг дам олиши, вақтида овқатланиши, соғлом турмуш кечириши учун шароит яратиб бериши зарур эмасми?

Назаримда, бу фожианинг асосий сабаби лоқайдликда, ўзимизга ва бурчимизга лоқайдлигимизда. Ҳозирги югур-югур, ташвишу жон койитишларнинг лоақал ярмиси ўз вақтида қилинганида Феруза ҳам, унинг ҳомиласи ҳам асраб қолинган бўларди, деб ўйлайман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Сирдарё вилояти, Ховос тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: **Мақолани чоп этишдан олдин, очиғи, узоқ ўйладик, турли хаёлларга бордик. Уни Соғлиқни сақлаш вазирлиги эътиборига ҳавола этиш билан чекланиб кўя қолсак ҳам бўларди. Бироқ сизу бизга ўхшаган бир инсоннинг ҳаёти хазон бўлгани, сизу биз учун ўз фарзандимиз қанчалик азиз бўлганидек, Феруза ҳам ўз ота-онаси учун шунчалик азиз ва қадрли бўлгани, икки нафар гўдак бир умр онасиз қолгани, бу фожиа бошқаларга сабоқ бўлишини ҳисобга олиб, мақолани чоп этишни лозим топдик.**

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан кўпчиликнинг кўнгли тўлмаслиги, уларнинг назарида яна нималардир айтилмай қолаётгандек туюлиши мумкин. Ҳар ҳолда, бир инсоннинг бевақт нобуд бўлгани дилни зирқиратади. Кимлардир «Бўлар иш бўпти, эндиги гапдан нима фойда?» ёки «Пешонасида ёзилган экан-да...», деб ўйлаши мумкин. Бундай бепарволик, муросасозлик аччиқ хатолар такрорланишига сабаб бўлади.

Ховос марказий шифохонасида рўй берган бу фожиага, назаримизда, юзакироқ қаралганга ўхшайди. Айниқса, масаланинг битта нуқтаси кишини ўйлантиради. Беморнинг ҳомиласи нобуд бўлганини кўра-била туриб, «инструментларим тайёр эмас, эртага келинг», дейиш қай даражада қонун-қоидага тўғри келади? Бу ерда имкон бўлмаса, уни зудлик билан «Тез ёрдам»да вилоят шифохонасига жўнатиш керак эмасмиди?

Мамлакатимизда ўз касбининг фидойиси бўлган ҳалол, хушмуомала, масъулиятли шифокорлар кўплигини сира инкор этиб бўлмайди. Афсуски, улар орасида ўз муқаддас бурчига масъулиятсиз қараб, ҳалол ва фидойи касбдошлари шаънига доғ тушираётганлари ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бизнингча, тиббиёт соҳасида юқоридаги каби ҳар бир воқеага фавқулодда воқеа сифатида қаралмоғи, унинг сабаблари чуқур ўрганилиб, озгина айби борлар ҳам жазосиз қолмаслиги, бундай ҳолатлар бошқа жойларда такрорланмаслигининг олдини олиш учун қатъий чоралар кўрилмоғи лозим. Чунки, тиббиёт ходимининг масъулияти бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ масаладир.

Хорижда

Эпидемия қурбонлари

1100 дан ортиб кетди

■ Маълумки, Гаитининг шимоли-шарқида октябрь охирида вабо эпидемияси бошланган эди. Бугунги кунда эпидемиядан қурбон бўлганлар сони бир минг бир юз кишидан ортиб кетди. Вабо аломатлари билан 18,38 минг киши шифохоналарга ётқизилди. Вабо 10 та департаментнинг 7 тасида кенг тарқалган.

Айни пайтда касаллик қўшни давлат — Доминикан Республикасида ва АҚШнинг Флорида штатида ҳам қайд этилган. Бу ҳақда Гаити Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумот тарқатди.

Яқинда юз берган табиий офат «Томас» тўфони мамлакатдаги аҳволни янада қийинлаштириб юборди. Яъни 20 кишининг умрига зомин бўлган бу тўфон натижасида ичимлик суви тармоғи ишдан чиқди. Бу эса касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Ўлим ҳукмига имзо чекиш

рад қилинди

■ Ироқ президенти Жалол Талабоний мамлакатнинг собиқ бош вазир ўринбосари Тариқ Азизга нисбатан чиқарилган ўлим ҳукмига имзо чекишни рад қилди.

«Reuters» АА маълум қилишича, президент 74 ёшли касалванд қарияни ўлимга маҳкум этишни хоҳламади. Маҳкум жорий йил бошида оғир инсультни бошидан ўтказган. Бундан ташқари, бошқа бир қанча касалликларга чалинган. Ҳатто инсультдан кейин бир муддат гапиролмай қолган.

Юрт шарафини улуғлаётганлар

Мамлакатимиз спортчилари Гуанжоу (Хитой)да давом этаётган XVI ёзги Осиё ўйинларида ҳозирча учта олтин, ўнта кумуш ва ўн учта бронза медалига сазовор бўлди

■ Бугун миллионлаб спорт ишқибозларининг нигоҳи Осиё ўйинларига қаратилган. Ўзига хос қитъа олимпиадаси номини олган мазкур нуфузли мусобақанинг охирги икки кунида ҳам ҳамюртларимиз сув полоси, академик эшкак эшиш, таэквондо (WTF), оғир атлетика баҳсларида Осиёнинг энг кучли спортчилари қаторидан жой олишга муваффақ бўлгани қувонарлидир.

1000 метр масофага академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурзалиев, Вячеслав Дитрих «дуэти» маррани иккинчи бўлиб кесиб ўтди.



Кумуш медаль соҳиби Антон Фокин.



Олтин медаль соҳиби Владимир Тўйчиев.

Хабарингиз бор, сув полоси бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Осиё ўйинларида илк маротаба Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Ватерполчиларимиз мезбонлар ва Қозоғистон терма жамоаларига имкониятни бой беришган бўлса-да, бронза медали учун кечган учрашувда ҳиндистонликларни 20:2 ҳисобида доғда қолдиришди.

Академик эшкак эшиш бўйича мамлакатимиз спортчилари Осиёда ўз мавқеларига эга. Кейинги йилларда юртимизда жадал ривожланаётган мазкур спорт тури бўйича ҳамюртларимиз бу гал ҳам ўзларини кўрсатишди. Жумладан, 18 ноябрь куни 1000 метр масофага академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурзалиев, Вячеслав Дитрих «дуэти» маррани иккинчи бўлиб кесиб ўтди. 2000 метр масофага эшкак эшиш бўйича ўтган мусобақада эса Сергей Тян, Ефим Кузнецов, Ботир Муродов ҳамда Ёқуб Ҳамзаев «квартети» бронза медалига лойиқ топилди.

Баҳсларнинг навбатдаги кунида ҳам академик эшкак эшиш бўйича ҳамюртларимиз яна совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, яккалик учрашувларида Зарина Михайлова ҳамда Артём Кудряшов кўксини бронза медали безаган бўлса, Сергей Тян, Ефим Кузнецов, Александр Дитрих, Дамир Наурзалиев, Абдурасул Муҳаммадиев, Зафар Усмонов, Ботир Муродов ҳамда Ёқуб Ҳамзаев саккизлиги маррага учинчи бўлиб етиб келди.

Таэквондо (WTF) мусобақаларининг дастлабки кунида ҳамюртимиз Дмитрий Ким (74 кг) ўз вазн тоифасида финалгача муваффақиятли иштирок этганини хабар қилгандик. Иккинчи кунги баҳсларда яна бир вакилимиз, Пекин олимпиадаси қатнашчиси Акмал Эргашев (81 кг) ярим финалда таэквондо ватани Жанубий Корея спортчиси Жунг Хеога очколар ҳисобида (14:15) кичик фарқ билан ютқазиб, бронза медали билан кифояланди.

Оғир атлетикачимиз Мансурбек Чашимов (85 кг) ўз вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлганди. Яна бир оғир атлетикачимиз Иван Ефремов (105 кг) ҳам қитъада иккинчи натижани қайд этишнинг уддасидан чиқди.

Қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида эришаётган юксак натижалари билан «Осиё йўлбарслари» дея ном олган ўзбек боксчилари ҳар бир учрашувни кўтаринки рухда ўтказишга интилмоқда. Жумладан, «чарм қўлқоп» усталаримиздан Шаҳриёр Исоқов (52 кг) ўз вазн тоифасида дастлабки учрашувларда мўғулистонлик ва қозоғистонлик боксчиларни енгиб, чорак финалга йўлланма олди. Осиё чемпиони Санжарбек Раҳмонов (64 кг) қатарлик боксчидан устун келган бўлса, Хуршид Тожибоев (60 кг) шарқий тиморлик рақибини муддатидан илгари мағлуб этди. Сирдарёлик Орзубек Шоимов (56 кг) биринчи учрашувда покистонлик рақибини енгди. Икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг) эса мезбонларнинг етакчи боксчиларидан бири Жиянтинг Жангдан устун келди — 8:7. Яна бир моҳир спортчимиз Элшод Расулов (81 кг) қозоғистонлик рақибини доғда қолдириб, медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди. Ҳозирча боксчиларимиздан биргина Сардор Абдуллаев (+91 кг)га омад кулиб боқмади.

Кеча вакилларимиз баҳсларни давом эттиришди. Унда Хуршид Тожибоев камбоджалик Сопхат Фал, Элшод Расулов эронлик Эҳсон Роузбахони, Санжарбек Раҳмонов эса туркманистонлик Сердар Худойбердиевга қарши рингга чиқди.

Мусобақа дастуридан жой олган футбол баҳсларида ярим финалчилар номи маълум бўлди. Кеча чорак финалда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушди. Учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ футболчиларимиз ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлдилар. Бу ҳам етмаганидек, иккинчи бўлим бошида ҳужумчи Иван Нагаев кутилмаганда майдондан четлатилди. Шунга қарамай, ўзларида ирода топа олган вакилларимиз 71-дақиқада рақиб дарвозасига йўл топишди — 1:1. Ўйиннинг асосий вақтида шу ҳисоб сақланиб қолди. Натижада жамоалар ғолиб номини қўшимча вақтда аниқлашди. Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг майдонда бир киши кам бўлиб ҳаракат қилганидан унумли фойдаланган Жанубий Корея футболчилари яна икки маротаба дарвозани ишғол этиб, ярим финалга йўлланма олдилар — 1:3.

Чорак финалнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Япония — Таиланд — 1:0, Бирлашган Араб Амирликлари — КХДР — 0:0 (пен. бўйича — 9:8), Эрон — Уммон — 1:0. Энди 23 ноябрь куни бўладиган ярим финал учрашувларида Япония — Эрон, БАА — Жанубий Корея футболчилари ўзаро куч синашади.

Шундай қилиб, ҳозиргача жами йигирма олтита (3 та олтин, 10 кумуш ва 13 та бронза) медаль жамғарган Ўзбекистон спортчилари қирқ беш давлат вакиллари ўртасида тўққизинчи поғонани эгаллаб туришибди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кумуш медаль соҳиби Дмитрий Ким эронлик рақибига қарши жанг пайтида.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда эл-юрт тақдири ва равнақига дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш каби эзгу мақсадларга хизмат қиладиган Талабалар фестивали Бухоро шаҳрида бошланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган «Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари бўйича самарали меҳнат қилаётган сулолалар вакиллари, моҳир усталар, ёш ижодкорлар томонидан яратилган халқ амалий санъати буюмларини халқимизга ва хорижда намойиш этиш имконини бераётир.

— Ўзбекистонда миллий санъат, айниқса, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Япония кулолчилик музейи директори Такако Ишикава. — Ўз ҳаётини миллий анъана ва қадриятларига таяниб барпо этаётган халқингизнинг келажаги буюк эканлиги шубҳасиз. Ушбу кўргазма-ярмаркада кулолчилик намуналари, миллий матолар ва либосларни музейимиз учун харид қилдик.

«Bazar-Art» кўргазма-ярмаркасида турли номинациялар бўйича Ортиқали Файзуллаев, Суҳроб Юсупов, Нурмуҳаммад Валиев, Ғайрат Даминов, Муҳаммадиёр Назиров сингари уста ва ҳунармандлар ғолиб деб топилди. Уларга диплом ва совғалар топширилди.

«01» огоҳлантиради!

Газ ҳидини сезсангиз...

■ Куз охирлаб, ҳаво совий бошлаган шу кунларда кўпчилик хонадонларини иситиш учун ҳар хил носоз, қўлбола иситиш воситаларидан фойдалана бошлайди. Бундай воситалар қаторига Эрон печлари ва каминлар ҳам киради.

Ўтган қиш мавсумида бундай қўлбола печлардан фойдаланиш оқибатида газдан заҳарланиш ва ёнғин ҳодисалари содир бўлди.

Мутахассис назорати ва рухсатисиз ўрнатилган печларда газ ҳавога тортилмай, уй ичида тўпланиб қолади. Оқибатда ёниш ҳодисаси, ҳатто портлаш ҳолатлари рўй беради. Назоратсиз каминдан чиқаётган газ инсон организмига салбий таъсир кўрсатиб, баъзан ўлимга олиб келади. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарур. Жумладан:

●Газ печларини ўрнатишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳамда газ таъминоти идораси мутахассисининг рухсати бўлиши лозим.

●Иситиш печлари ёқилишидан олдин ҳар мавсумда тутун чиқувчи мўрилар тозаланиб, созлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

●Иситиш печлари назоратсиз қолдирилмаслиги, унинг ёнида тез ёнувчи ва портлаш хавфи бўлган суюқлик сақланмаслиги, шунингдек, печ устида кийимкечак қуритмаслик зарур.

Газ ҳидини сезсангиз, дарҳол хонани шамоллатиб, газ хизмати ходимларини чақиришингиз мақсадга мувофиқ. Унутманг, нотўғри ўрнатилган печ ва мўри мудҳиш оқибатларини келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Қонун-қоидага амал қилсангиз, ҳам ўзингизни, ҳам яқинларингизни турли хавф-хатардан асраган бўласиз.

Нўъмон УМАРХОДЖАЕВ,
12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори.

Диққат, «Ишонч телефонлари»!

Агар сизга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари маълум бўлса, Давлат божхона қўмитаси раҳбариятини қуйидаги **«Ишонч телефонлари»** орқали хабардор қилишингизни сўраймиз.

Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

Т/р	Ҳудуд	«Ишонч телефонлари»
1	ДБҚ Марказий аппарати	(8-371) 120-76-33
2	Қорақалпоғистон Рес. божхона бошқармаси	(8-361) 224-02-68
3	Андижон вилояти божхона бошқармаси	(8-374) 224-28-27 224-29-30
4	Бухоро вилояти божхона бошқармаси	(8-365) 770-06-30 770-06-36
5	Жиззах вилояти божхона бошқармаси	(8-372) 223-31-63
6	Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси	(8-375) 221-05-01
7	Навоий вилояти божхона бошқармаси	(8-436) 223-08-65 223-87-87
8	Наманган вилояти божхона бошқармаси	(8-369) 234-33-01 223-35-01
9	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	(8-366) 234-39-57 234-26-26
10	Сирдарё вилояти божхона бошқармаси	(8-367) 227-89-45 227-89-08
11	Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси	(8-376) 225-13-51 225-26-05
12	Тошкент вилояти божхона бошқармаси	(8-371) 120-86-10
13	Тошкент шаҳри божхона бошқармаси	(8-371) 120-76-76 120-76-71
14	Фарғона вилояти божхона бошқармаси	(8-373) 224-72-38
15	Хоразм вилояти божхона бошқармаси	(8-362) 226-93-61 226-16-50
16	«Тошкент-Аэро» ИБК	(8-371) 120-86-30

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «ELEKTRTEXASBOB-QURILISHBUTLASH» (ОКОНХ 61124, ИНН 202560104) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун тел.: 407-70-46.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Грандқурилишинвест» (ОКОНХ 14912, ИНН 204976082) масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун тел.: 407-70-46.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg'onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7648 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 01.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda